

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОКБОВЕВ АҚМАЛЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ

**БУЗИЛАДИГАН ГИПЕРБОЛИК ВА АРАЛАШ ТИПДАГИ
ИККИНЧИ ТУР ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН МАСАЛАЛАР**

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

**Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико – математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical –
mathematical sciences**

Окбоев Акмалжон Бахромжонович

Бузиладиган гиперболик ва аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун
масалалар.....3

Окбоев Акмалжон Бахромжонович

Задачи для вырождающихся уравнений гиперболического и смешанного
типов второго рода21

Okboev Akmaljon Baxromjonovich

Problems for the second kind degenerated equations of hyperbolic and mixed
type.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....40

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОКБОВЕВ АҚМАЛЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ

**БУЗИЛАДИГАН ГИПЕРБОЛИК ВА АРАЛАШ ТИПДАГИ
ИККИНЧИ ТУР ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН МАСАЛАЛАР**

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.1.PhD/FM304 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уринов Аҳмаджон Кушакович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанов Анваржон

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Апаков Юсуфжон Пулатович

физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19- уй. Тел.:(+99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2021 «__» _____куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т. Саматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

И.У.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда хусусий ҳосилали бузиладиган дифференциал тенгламалар назарияси масалаларига келтирилади. Хусусий ҳосилали бузиладиган дифференциал тенгламалар газлар ва суюқликлар динамикаси, айланма сиртларнинг чексиз кичик букилиш назарияси, моментсиз қобиклар назарияси, компьютер томографияси, қоннинг артериядаги ҳаракати ва бошқа кўплаб соҳалар масалаларининг математик модели сифатида қўлланилади. Шу сабабли бузиладиган гиперболик ва параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламалар учун масалаларни ечиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда ҳозирги вақтда хусусий ҳосилали бузиладиган дифференциал тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалаларни бир қийматли ечиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда, гиперболик типдаги бузиладиган дифференциал тенгламалар учун бошланғич шартли масалаларнинг ягона ечимини топиш, локал ва нолокал шартли чегаравий масалаларнинг бир қийматли ечилишини исботлаш, аралаш параболо-гиперболик типдаги тенгламалар учун Трикоми масаласи ҳамда нолокал шартли чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси билан узвий боғланган ҳамда илмий ва амалий тадқиқотларга эга бўлган фундаментал йўналишларни, хусусан, механика, математик биология ҳамда газлар ва суюқликлар динамикаси фанларини ривожлантириш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу йўналишларга қизиқиш бузиладиган гиперболик ва аралаш типдаги тенгламалар учун қўйилган масалаларни ечиш билан ҳам асосланади. Дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар ва оптимал бошқарув фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш тадқиқотчиларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Бу борада бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун қўйилган бошланғич шартлари ўзгарган Коши ва Коши-Гурса масалаларини бир қийматли ечиш, бузиладиган параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун қўйилган чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, бузиладиган гиперболик тенгламанинг бузилиш чизиғи тенгламанинг характеристикаси бўлиши ёки бўлмаслигига қараб, у иккинчи ёки биринчи турдаги тенглама деб аталади. Гиперболик типдаги бузиладиган биринчи тур модел (содда) тенглама учун бузилиш чизиғида бошланғич шартлар берилган Коши масаласини биринчи бўлиб Г.Дарбу ечган. Ушбу масала билан Ф.Трикоми, С.Геллерстедт ва Ф.И.Франкль ҳам шуғулланган. Гиперболик типдаги бузиладиган биринчи тур умумий тенглама учун Коши масаласи тенгламанинг бузилиш тартиби $m=1$ ва $m<2$ бўлганда мос равишда К.И.Бабенко ва И.С.Березин томонидан ўрганилган. Хусусан, И.С.Березин $m>2$ бўлганда Коши масаласи коррект қўйилмаган ҳолга мисол қурган. М.Проттер чизиқли умумий тенглама учун Коши масаласи коррект қўйилиши учун етарли бўладиган шартни топган. Коши масаласи нокоррект қўйилган ҳолда А.В.Бицадзе бошланғич шартлари вазн билан берилган масалани ўрганишни таклиф қилган. Гиперболик типдаги бузиладиган биринчи тур тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш билан С.Геллерстедт, М.Б.Капилевич, А.М.Нахушев, Т.Ш.Кальменов, А.М.Гордеев, К.Б. Сабитов, А.Хасанов, А.К.Уринов ва бошқалар шуғулланганлар.

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенгламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар учун бошланғич шартлари бузилиш чизиғида берилган Коши масаласи ҳар доим ҳам коррект бўлавермайди. И.Л.Кароль модел тенгламани қараб, $m \in (0,1)$ бўлганда анъанавий қўйилган Коши масаласи коррект эканлигини исботлаган. Бу муаммони чизиқли умумий тенглама учун В.Ф.Волкодавов ва В.А.Носов ҳал қилган. $m \in [1,2)$ бўлганда С.А.Терсенов кўриниши ўзгарган бошланғич шартли коррект масалаларни таклиф қилган ва ўрганган. Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенгламалар учун бошланғич масалаларни ўрганиш билан И.А.Макаров, Ю.А.Карпухин, М.М.Смирнов, Р.С.Хайруллин ва бошқалар ҳам шуғулланганлар. М.С.Салахитдинов, Ф.Ф.Евдокимов ва Т.Г.Эргашев гиперболик типдаги спектрал параметрли бузиладиган иккинчи тур тенгламалар учун Коши масаласини ўрганганлар. Бузиладиган гиперболик

типдаги иккинчи тур тенгламалар учун чегаравий масалалар билан М.С.Салахитдинов, С.С.Исамухамедов, Хе Кан Чер, Т.Г.Эргашев ва бошқалар шуғулланганлар. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун параболик бузилиш чизиғида бошланғич шартли масаланинг қўйилиши $m \geq 1$ бўлган ҳолда тенгламанинг кичик ҳадлари коэффицентларига узвий боғлиқ экан. Шунинг учун бу муаммо ҳозирда кам ўрганилганлигича қолмоқда.

Бузиладиган гиперболик типдаги биринчи тур тенгламани ўз ичига олган параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар яхши ўрганилган. Ушбу йўналиш бўйича фундаментал натижалар Т.Ж.Джураев ва М.С.Салахитдинов томонидан олинган. Бундай тенгламалар учун турли хил локал ва нолокал масалалар В.А.Елеев, Ж.О.Тахиров, К.Б.Сабитов, А.Сопуев, А.С.Бердышев, Б.Исломов, А.К.Уринов, Ю.П.Апаков, Э.Т.Каримов, М.Мамажонов ва бошқалар томонидан баён қилинган ва ўрганилган. Бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламани ўз ичига олган параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш бўйича М.С.Салахитдинов, С.С.Исамухамедов, Р.С.Хайруллин, Ю.М.Крикунов, М.М.Смирнов, А.М.Нагорный, Н.К.Мамадалиев ва Т.Г.Эргашев томонидан салмоқли натижалар олинган. Ушбу йўналишдаги ҳолатни таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтгача бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламани ўз ичига олган параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар нисбатан кам ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Дифференциал тенгламалар ва унга турдош математик соҳаларнинг долзарб муаммолари” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бузиладиган гиперболик ва параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламалар учун коррект қўйилган бошланғич ва чегаравий масалаларни аниқлаш ва уларни бир қийматли ечилишини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама умумий ечимининг кўринишини топиш;

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун кўриниши ўзгарган Коши масаласини баён қилиш ва ўрганиш;

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи ва силжишли масалалар қўйиш ва текшириш;

параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун локал ва нолокал масалалар баён қилиш ва ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти бузиладиган гиперболик ва параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун бошланғич ва чегаравий масалалар ҳамда параболо-

гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида характеристикалар, кетма-кет яқинлашиш ва интеграл тенгламалар усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламанинг умумий ечимини топиш усули ишлаб чиқилган;

характеристик учбурчакда бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун бошланғич шартлари ўзгартирилган Коши масаласи ечимининг формуласи топилган ва масала ечимининг ягоналиги исботланган;

гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун характеристик учбурчакда Коши-Гурса масаласи ва нолокал силжишли масалаларнинг бир қийматли ечилиши асосланган;

тўғри тўртбурчак ва характеристик учбурчакдан ташкил топган аралаш соҳада параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун Трикоми масаласи ва нолокал масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремалар исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун характеристик учбурчакда нолокал силжишли масалаларнинг бир қийматли ечилишидан фойдаланиб, аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун баъзи силжишли масалалар ечимларини топиш ва уларни бошқарув масалаларига татбиқ қилиш мумкинлиги асосланган;

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламанинг умумий ечимини топиш усулидан фойдаланиб ёниш, портлаш, фазавий ўтиш ва критик жараёнларга мос тенгламалар ечимларини қуриш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларнинг характеристикалар, кетма-кет яқинлашиш ва интеграл тенгламалар усулларида фойдаланиб, дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламанинг ечимлари бу тенгламанинг кичик хадлари коэффициентларига кучли боғланган ҳолда топилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бузиладиган гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимидан фойдаланиб, хусусий ҳосилали бузиладиган аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун баъзи силжишли масалалар ечимларини қуриш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бузиладиган гиперболик ва аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун масалаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун характеристик учбурчакда Коши-Гурса масаласи ва нолокал силжишли

масалаларнинг бир қийматли ечилиши НИОКТР АААА-А19-119013190078-8 рақамли “Асосий ва аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар, уларнинг бошқарув ва динамик системаларни моделлаштириш масалаларига татбиқи” мавзусидаги хорижий лойихада коррект масалалар баён қилиш ва текширишда фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Кабардин-Балқар илмий маркази Амалий математика ва автоматлаштириш институтининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-16/49-1-рақамли маълумотномаси). Натижада аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун баъзи силжишли масалалар ечимларини қуриш ва бошқарув масалаларига татбиқ қилиш имкони яратилган;

бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламанинг умумий ечимини топиш усули “Ёниш ва портлаш масалалари учун турли хил моделларни умумлаштириш ва тавсиялар” (2017 й.) ва “Фазавий ўтиш ва критик жараёнлар масалалари. Улар тенгламаларининг математик аспектлари, тезкор ўтишлар ва асимптотикалар” (2019 й.) номли хорижий лойихаларда дифференциал тенгламалар учун келиб чиққан масалаларни текширишда фойдаланилган (Ўш давлат университети қошидаги Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг 2020 йил 16 ноябрдаги 526-рақамли маълумотномаси). Натижада ёниш, портлаш, фазавий ўтиш ва критик жараёнларга мос тенгламалар ечимларини қуриш ҳамда уларни амалий масалаларга қўллашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 11 та халқаро ва 2 та республика илмий ва илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий

килиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бузиладиган гиперболик тенглама учун кўриниши ўзгарган Коши масаласи» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, гиперболик типдаги бузиладиган ушбу

$$L_{\alpha,\lambda}(u) \equiv u_{xx} + y u_{yy} + \alpha u_y - \lambda^2 u = 0, \quad y < 0 \quad (1)$$

иккинчи тур тенглама учун, $OB: x - 2\sqrt{-y} = 0$, $AB: x + 2\sqrt{-y} = 1$ ва $OA: y = 0$ характеристикалар билан чегараланган D соҳада, кўриниши ўзгарган Коши масалаларини баён қилиш ва ўрганишга бағишланган, бу ерда α ва λ - берилган сонлар бўлиб, α - ҳақиқий сон, λ - ҳақиқий ёки соф мавҳум сон.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида (1) тенглама ечимининг хоссалари ўрганилган ва бу тенгламанинг умумий ечими қуйидаги кўринишларда топилган:

$$u(x, y) = \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_n^k}{(\beta + 1/2)_k (\beta + n)_k} \int_0^1 \Psi_k(\psi, \lambda) [z(1-z)]^{n+k+\beta-1} \bar{J}_{n+k+\beta-1}(\sigma) dz + \\ + (-y)^{1-\alpha} \int_0^1 \varphi(\zeta) [z(1-z)]^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) dz, \quad \alpha = -n + \alpha_0, \quad n = 0, 1, 2, \dots, \quad \alpha_0 \in (1/2, 1); \quad (2)$$

$$u(x, y) = \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_n^k}{(\beta + 1/2)_k (n + \beta)_k} \int_0^1 \Psi_k(\psi, \lambda) [z(1-z)]^{k+n+\beta-1} \bar{J}_{k+n+\beta-1}(\sigma) dz + \\ + (-y)^{1-\alpha} \int_0^1 \varphi(\zeta) [z(1-z)]^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) dz, \quad \alpha = 2 - n - \alpha_0, \quad \alpha_0 \in (1/2, 1) \quad n \in N; \quad (3)$$

$$u(x, y) = \sum_{k=0}^{n+1} \frac{C_{n+1}^k (4y)^k}{k! (-n + 1/2)_k} \int_0^1 \Psi_k(\psi, \lambda) [z(1-z)]^k \bar{J}_k(\sigma) dz + \\ + (-y)^{n+1/2} \int_0^1 \varphi(\zeta) [z(1-z)]^n \bar{J}_n(\sigma) dz, \quad \alpha = -n + 1/2, \quad n = 0, 1, 2, \dots; \quad (4)$$

$$u(x, y) = \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_{n+1}^k}{(-n)_k (1/2)_k} \int_0^1 \Psi_k(\psi, \lambda) [z(1-z)]^{k-1/2} \bar{J}_{k-(1/2)}(\sigma) dz + \\ + \frac{2(4y)^{n+1}}{(-n)_n (1/2)_{n+1}} \int_0^1 \Psi_{n+1}(\psi, \lambda) [z(1-z)]^{n+1/2} \left\{ \ln[\sqrt{-y}z(1-z)] \bar{J}_{n+1/2}(\sigma) - \right. \\ \left. - \Omega_{n+1/2}(\sigma) \right\} dz + (-y)^{n+1} \int_0^1 \varphi(\zeta) [z(1-z)]^{n+1/2} \bar{J}_{n+1/2}(\sigma) dz, \quad \alpha = -n, \quad n = 0, 1, 2, \dots; \quad (5)$$

$$u(x, y) = \int_0^1 \psi(\zeta) \frac{\ln[\sqrt{-y}z(1-z)] \bar{J}_{-1/2}(\sigma) - \Omega_{-1/2}(\sigma)}{\sqrt{z(1-z)}} dz + \int_0^1 \frac{\varphi(\zeta) \bar{J}_{-1/2}(\sigma)}{\sqrt{z(1-z)}} dz, \quad \alpha = 1, \quad (6)$$

бу ерда $\beta = \alpha - 1/2$, $\varphi(\zeta)$ ва $\psi(\zeta)$ -етарлича силлиқ ихтиёрий функциялар, $\bar{J}_s(\sigma) = \Gamma(s+1)(\sigma/2)^{-s} J_s(\sigma)$, $J_s(\sigma)$ -биринчи тур s - тартибли Бессел функцияси, $(a)_n$ – Похгаммер символи, C_n^k -биномиал коэффициент, $\Psi_k(\psi, \lambda) = (\lambda^2 - d^2 / d\zeta^2)^k \psi(\zeta)$, $k = 0, 1, 2, \dots$, $\zeta = x - 2\sqrt{-y}(1-2z)$, $\sigma = 4\lambda\sqrt{-yz(1-z)}$,

$$\Omega_\gamma(\sigma) = \sum_{m=1}^{\infty} \frac{(-1)^m (\sigma/2)^{2m}}{m!(\gamma+1)_m} \sum_{j=1}^m \frac{1}{\gamma+j}.$$

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида (1) тенглама учун $\alpha \leq 1$ бўлган ҳолда кўриниши ўзгарган Коши масаласи ўрганилган.

1) $\alpha = -n + \alpha_0$ бўлсин, бу ерда $n = 0, 1, 2, \dots$, $\alpha_0 \in (1/2, 1)$. Ушбу ҳолда (1) тенглама учун кўриниши ўзгарган Коши масаласи D соҳада (1) тенгламани ва ушбу

$$u(x, 0) = \tau(x), x \in [0, 1]; \lim_{y \rightarrow 0} (-y)^\alpha (\partial / \partial y) [u - A_\alpha^-(\tau, \lambda)] = \nu(x), x \in (0, 1) \quad (7)$$

бошланғич шартларни қаноатлантирувчи $u(x, y) \in C(\bar{D}) \cap C^2(D)$ функцияни топишдан иборат, бу ерда $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ - берилган функциялар,

$$A_\alpha^-(\tau, \lambda) = \gamma_1 \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_n^k}{(\beta + 1/2)_k (\beta + n)_k} \int_0^1 \Psi_k(\tau, \lambda) [z(1-z)]^{k+n+\beta-1} \bar{J}_{k+n+\beta-1}(\sigma) dz. \quad (8)$$

Бу масала ечимини топиш учун (1) тенглама умумий ечимининг (2) кўринишидан фойдаланилган ва масаланинг ечими ушбу

$$u(x, y) = A_\alpha^-(\tau, \lambda) - \gamma_2 (-y)^{1-\alpha} \int_0^1 \nu(\zeta) [z(1-z)]^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) dz \quad (9)$$

кўринишда топилган ҳамда қуйидаги теорема исботланган, бу ерда $\gamma_1 = \Gamma(2n+2\beta)\Gamma^{-2}(n+\beta)$, $\gamma_2 = \Gamma(2-2\beta)(1-\alpha)^{-1}\Gamma^{-2}(1-\beta)$.

1-теорема. Агар $\tau(x) \in C^{2(n+1)}[0, 1]$ ва $\nu(x) \in C^2[0, 1]$ бўлса, у ҳолда (9) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция $\{(1), (7)\}$ масаланинг ечими бўлади.

2) $\alpha = 2 - n - \alpha_0$ бўлсин, бу ерда $n = 1, 2, \dots$, $\alpha_0 \in (1/2, 1)$. Ушбу ҳолда (1) тенглама учун кўриниши ўзгарган Коши масаласи D соҳада (1) тенгламани ва (7) бошланғич шартларни қаноатлантирувчи $u(x, y) \in C(\bar{D}) \cap C^2(D)$ функцияни топишдан иборат, бу ерда $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ - берилган функциялар,

$$A_\alpha^-(\tau, \lambda) = \gamma_3 \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_n^k}{(\beta + 1/2)_k (\beta + n)_k} \int_0^1 \Psi_k(\tau, \lambda) [z(1-z)]^{k+n+\beta-1} \bar{J}_{k+n+\beta-1}(\sigma) dz. \quad (10)$$

Бу масала ечимини топиш учун (1) тенглама умумий ечимининг (3) кўринишидан фойдаланилган ва масаланинг ечими ушбу

$$u(x, y) = A_{\alpha}^{-}(\tau, \lambda) - \gamma_4(-y)^{1-\alpha} \int_0^1 \nu(\zeta) [z(1-z)]^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) dz \quad (11)$$

кўринишда топилган ҳамда қуйидаги теорема исботланган, бу ерда $\gamma_3 = \Gamma(2n + 2\beta)\Gamma^{-2}(n + \beta)$, $\gamma_4 = 4\Gamma(-1 - 2\beta) / [\beta\Gamma^2(-\beta)]$.

2-теорема. Агар $\tau(x) \in C^{2(n+1)}[0,1]$ ва $\nu(x) \in C^2[0,1]$ бўлса, у ҳолда (11) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция $\{ (1), (7) \}$ масаланинг ечими бўлади.

3) $\alpha = -n + (1/2)$, $n = 0, 1, 2, \dots$ бўлсин. Бу ҳолда кўриниши ўзгарган Коши масаласи ушбу

$$\left. \begin{aligned} u(x, 0) &= \tau(x), \quad x \in [0, 1]; \\ \lim_{y \rightarrow -0} (-y)^{-n+1/2} (\partial / \partial y) [u(x, y) - A_{-n+1/2}^{-}(\tau, \lambda)] &= \nu(x), \quad x \in (0, 1) \end{aligned} \right\} \quad (12)$$

бошланғич шартлар билан қўйилган, бу ерда $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ -берилган функциялар,

$$A_{-n+1/2}^{-}(\tau, \lambda) = \sum_{k=0}^{n+1} \frac{C_{n+1}^k (4y)^k}{k!(-n+1/2)_k} \int_0^1 \Psi_k(\tau, \lambda) [z(1-z)]^k \bar{J}_k(\sigma) dz. \quad (13)$$

Бу ҳолда $L_{-n+1/2, \lambda}(u) = 0$ тенгламанинг (4) умумий ечимидан фойдаланиб, масаланинг ечими ушбу кўринишда

$$u(x, y) = A_{-n+1/2}^{-}(\tau, \lambda) - \gamma_5(-y)^{n+1/2} \int_0^1 \nu(\zeta) [z(1-z)]^n \bar{J}_n(\sigma) dz \quad (14)$$

топилган ва қуйидаги теорема исботланган, бу ерда $\gamma_5 = 2(2n)! / (n!)^2$.

3-теорема. Агар $\tau(x) \in C^{2(n+2)}[0,1]$ ва $\nu(x) \in C^2[0,1]$ бўлса, у ҳолда (14) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция $L_{-n+1/2, \lambda}(u) = 0$ тенгламанинг (12) шартларни қаноатлантирувчи ечими бўлади.

4) $\alpha = -n$, $n = 0, 1, 2, \dots$ бўлсин. Бу ҳолда (1) тенглама учун

$$u(x, 0) = \tau(x), \quad x \in [0, 1]; \quad \lim_{y \rightarrow -0} (-y)^{-n} \frac{\partial}{\partial y} [u(x, y) - A_{-n}^{-}(\tau, \lambda)] = \nu(x), \quad x \in (0, 1) \quad (15)$$

бошланғич шартлар билан қўйилган кўриниши ўзгарган Коши масаласи қаралган, бу ерда $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ -берилган функциялар,

$$\begin{aligned} A_{-n}^{-}(\tau, \lambda) &= \frac{1}{\pi} \sum_{k=0}^n \frac{(4y)^k C_{n+1}^k}{(-n)_k (1/2)_k} \int_0^1 \Psi_k(\tau, \lambda) [z(1-z)]^{k-1/2} \bar{J}_{k-1/2}(\sigma) dz + \\ &+ \frac{2(4y)^{n+1}}{\pi(-n)_n (1/2)_{n+1}} \int_0^1 \Psi_{n+1}(\tau, \lambda) [z(1-z)]^{n+1/2} \times \\ &\times \left\{ \ln[\sqrt{-y}z(1-z)] \bar{J}_{n+1/2}(\sigma) - \Omega_{n+1/2}(\sigma) \right\} dz. \end{aligned} \quad (16)$$

Бу ҳолда $L_{-n, \lambda}(u) = 0$ тенгламанинг (5) умумий ечимидан фойдаланиб, масаланинг ечими ушбу кўринишда

$$u(x, y) = A_{-n}^-(\tau, \lambda) - \gamma_6(-y)^{n+1} \int_0^1 \nu(\zeta) [z(1-z)]^{n+1/2} \bar{J}_{n+1/2}(\sigma) dz \quad (17)$$

топилган ва қуйидаги теорема исботланган, бу ерда $\gamma_6 = \Gamma(2n+3) / [(n+1)\Gamma^2(n+3/2)]$.

4-теорема. Агар $\tau(x) \in C^{2(n+2)}[0,1]$ ва $\nu(x) \in C^2[0,1]$ бўлса, у ҳолда (17) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция $L_{-n, \lambda}(u) = 0$ тенгламанинг (15) шартларни қаноатлантирувчи ечими бўлади.

5) $\alpha = 1$ бўлсин. Бу ҳолда (1) тенглама учун

$$\lim_{y \rightarrow 0} \frac{u(x, y)}{\ln \sqrt{-y}} = \tau(x), \quad x \in [0, 1]; \quad (18)$$

$$\lim_{y \rightarrow 0} (-y) \ln^2 \sqrt{-y} \frac{\partial}{\partial y} \left[\frac{u(x, y) - A_1^-(\tau, \lambda)}{\ln \sqrt{-y}} \right] = \nu(x), \quad x \in (0, 1) \quad (19)$$

бошланғич шартлар билан қўйилган кўриниши ўзгарган Коши масаласи қаралган, бу ерда $\tau(x)$ ва $\nu(x)$ – берилган функциялар,

$$A_1^-(\tau, \lambda) = \frac{1}{\pi} \int_0^1 \frac{\tau(\zeta)}{\sqrt{z(1-z)}} \left\{ \ln [\sqrt{-y} z(1-z)] \bar{J}_{-1/2}(\sigma) - \Omega_{-1/2}(\sigma) \right\} dz. \quad (20)$$

Бу ҳолда (1) тенглама умумий ечимининг (6) формуласидан фойдаланиб, масаланинг ечими

$$u(x, y) = A_1^-(\tau, \lambda) + \frac{2}{\pi} \int_0^1 \nu(\zeta) [z(1-z)]^{-1/2} \bar{J}_{-1/2}(\sigma) dz \quad (21)$$

кўринишда топилган ва қуйидаги теорема исботланган.

5-теорема. Агар $\tau(x), \nu(x) \in C[0,1] \cap C^2(0,1)$ бўлса, у ҳолда (21) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция $L_{1, \lambda}(u) = 0$ тенгламанинг (18) ва (19) шартларни қаноатлантирувчи ечими бўлади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида 1.2-§ да ўрганилган масалалар ечимининг ягоналиги ўрганилиб, қуйидаги теорема исботланган.

6-теорема. $\{(1), (7)\}$ (шу каби $\{(1), (12)\}$ ва $\{(1), (15)\}$) кўриниши ўзгарган Коши масаласи биттадан ортиқ ечимга эга эмас.

Диссертациянинг «Бузиладиган гиперболик тенглама учун чегаравий масалалар» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, биринчи боб бошида тавсифланган D характеристик учбурчакда (1) тенглама учун чегаравий масалалар баён қилиш ва ўрганишга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида D соҳада (1) тенглама учун тўртта силжишли масалалар қўйилган ва ўрганилган.

1-масала. D соҳада (1) тенгламанинг $\alpha \in (-\infty, 0)$, $\alpha \neq -n$, $\alpha \neq -n+1/2$, $n \in N$ бўлгандаги шундай $u(x, y) \in C(\bar{D}) \cap C^2(D)$ ечими топилсинки, у ушбу

$$u(x, 0) = \tau(x), \quad x \in [0, 1]; \quad (22)$$

$$a(x)A_{0x}^{1,\lambda_i}[D_{0x}^{1-\beta}u(\theta_0)] + b(x)A_{x1}^{1,\lambda_i}[D_{x1}^{1-\beta}u(\theta_1)] + \\ + c(x)\lim_{y \rightarrow -0}(-y)^\alpha[u - A_\alpha^-(\tau, \lambda)]'_y = f(x), \quad x \in (0,1)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\tau(x), a(x), b(x), c(x), f(x)$ - берилган узлуксиз функциялар бўлиб, $a^2(x) + b^2(x) + c^2(x) \neq 0, x \in [0,1]$ тенгсизлик бажарилади, $A_\alpha^-(\tau, \lambda)$ - оператор (8) ёки (10) формула билан аниқланади, $D_{0x}^{1-\beta}$ ва $D_{x1}^{1-\beta}$ – Риман – Лиувилл маъносидаги каср тартибли дифференциал операторлар, $\theta_0 = (x/2, -x^2/16), \theta_1 = ((1+x)/2, -(1-x)^2/16)$,

$$A_{kx}^{1,\lambda}[g(x)] = g(x) - \int_k^x g(t) \frac{t-k}{x-k} \frac{\partial}{\partial t} J_0[\lambda \sqrt{(x-k)(x-t)}] dt.$$

$\alpha = -n + \alpha_0, n = 0, 1, 2, \dots, \alpha_0 \in (1/2, 1)$ бўлганда қуйидаги теорема исботланган.

7-теорема. Агар ушбу

$$\left. \begin{aligned} x^{-\beta} a(x) + (1-x)^{-\beta} b(x) + 2^{1-4\beta} c(x) &\neq 0, \quad x \in [0,1]; \\ a(x), b(x), c(x), f(x) &\in C[0,1]; \\ \tau(x) \in C^{(2n+2)}[0,1], \tau^{(m)}(0) &= 0, \tau^{(m)}(1) = 0, m = \overline{0, 2n+1} \end{aligned} \right\}$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 1-масала ягона ечимга эга бўлади.

2-масала. D соҳада (1) тенгламанинг $\alpha = -n, n = 0, 1, 2, \dots$ бўлгандаги шундай $u(x, y) \in C(\overline{D}) \cap C^2(D)$ ечими топилсинки, у (22) ва

$$a(x)A_{0x}^{1,\lambda_i}\{D_{0x}^{3/2+n}[u(\theta_0) - \mu_0(\theta_0)]\} + b(x)A_{x1}^{1,\lambda_i}\{D_{x1}^{3/2+n}[u(\theta_1) - \mu_1(\theta_1)]\} + \\ + c(x)\lim_{y \rightarrow -0}(-y)^{-n} \frac{\partial}{\partial y}[u - A_{-n}^-(\tau, \lambda)] = f(x), \quad x \in (0,1)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\tau(x), a(x), b(x), c(x), f(x)$ - берилган функциялар бўлиб, $a^2(x) + b^2(x) + c^2(x) \neq 0, x \in [0,1]$ тенгсизлик бажарилади, $A_{-n}^-(\tau, \lambda)$ - (16) формула билан аниқланади,

$$\mu_0(x, y) = \frac{4(-4y)^{n+1}}{\pi n!(3/2)_n} \int_0^1 \Psi_{n+1}(\tau, \lambda)[z(1-z)]^{n+1/2} \{\Omega_{n+1/2}(\sigma) - \ln[(1-z)/4] \bar{J}_{n+1/2}(\sigma)\} dz, \\ \mu_1(x, y) = \frac{2(-4y)^{n+1}}{\pi n!(1/2)_{n+1}} \int_0^1 \Psi_{n+1}(\tau, \lambda)[z(1-z)]^{n+1/2} \{\Omega_{n+1/2}(\sigma) - \ln[z/4] \bar{J}_{n+1/2}(\sigma)\} dz.$$

Қуйидаги теорема исботланган.

8-теорема. Агар ушбу

$$\left. \begin{aligned} a(x)x^{n+1/2} + b(x)(1-x)^{n+1/2} + 16^{n+1}(n+1)\Gamma(n+3/2)\Gamma^{-1}(2n+3)c(x) &\neq 0, x \in [0,1]; \\ a(x), b(x), c(x), f(x) &\in C^2[0,1]; \\ \tau(x) \in C^{(2n+4)}[0,1]; \tau^{(m)}(0) &= 0, \tau^{(m)}(1) = 0, m = \overline{0, n+4} \end{aligned} \right\}$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 2-масала ягона ечимга эга бўлади.

3-масала. D соҳада (1) тенгламанинг $\alpha = -n + 1/2$, $n = 0, 1, 2, \dots$ бўлгандаги шундай $u(x, y) \in C(\bar{D}) \cap C^2(D)$ ечими топилсинки, у (22) ва

$$a(x) A_{0x}^{1, \lambda_i} \{D_{0x}^{1+n} [u(\theta_0)]\} + b(x) A_{x1}^{1, \lambda_i} \{D_{x1}^{1+n} [u(\theta_1)]\} + \\ + c(x) \lim_{y \rightarrow -0} (-y)^\alpha \frac{\partial}{\partial y} [u - A_{1/2-n}^-(\tau, \lambda)] = f(x), \quad x \in (0, 1)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\tau(x), a(x), b(x), c(x), f(x)$ - берилган функциялар бўлиб, $a^2(x) + b^2(x) + c^2(x) \neq 0, x \in [0, 1]$ тенгсизлик бажарилади, $A_{-n+1/2}^-(\tau, \lambda)$ - (13) формула билан аниқланади.

Қуйидаги теорема ўринли.

9-теорема. Агар ушбу

$$(1/4)^{n+1/2} a(x) x^n + (1/4)^{n+1/2} b(x) (1-x)^n - (n!)/2(2n)! c(x) \neq 0, \quad x \in [0, 1]; \\ a(x), b(x), c(x), f(x) \in C^2[0, 1]; \\ \left. \begin{aligned} \tau(x) \in C^{(2n+3)}[0, 1], \tau^{(m)}(0) = 0, \tau^{(m)}(1) = 0, m = \overline{0, n} \end{aligned} \right\}$$

шартлар бажарилса, у ҳолда 3 - масала ягона ечимга эга бўлади.

4-масала. D соҳада (1) тенгламанинг $\alpha = 1$ бўлгандаги шундай $u(x, y) \in C^2(D)$ ечими топилсинки, у $[u(x, y) / \ln \sqrt{-y}] \in C(\bar{D})$,

$$\lim_{y \rightarrow -0} \frac{u(x, y)}{\ln \sqrt{-y}} = \tau(x), \quad x \in [0, 1]; \\ a(x) A_{0x}^{1, \lambda_i} \{D_{0x}^{-1/2} [u(\theta_0) - \mu_2(\theta_0)]\} + b(x) A_{x1}^{1, \lambda_i} \{D_{x1}^{-1/2} [u(\theta_1) - \mu_3(\theta_1)]\} + \\ + c(x) \lim_{y \rightarrow -0} (-y) \frac{\partial}{\partial y} [u - A_1^-(\tau, \lambda)] = f(x), \quad x \in (0, 1)$$

шартларни қаноатлантирсин, бу ерда $\tau(x), a(x), b(x), c(x), f(x)$ - берилган функциялар бўлиб, $a^2(x) + b^2(x) + c^2(x) \neq 0, x \in [0, 1]$; $A_1^-(\tau, \lambda)$ - (20) формула билан аниқланади,

$$\mu_2(x, y) = \frac{1}{\pi} \int_0^1 \tau(\zeta) [z(1-z)]^{-1/2} \left\{ \ln[(1-z)/4] \bar{J}_{-1/2}(\sigma) - \Omega_{-1/2}(\sigma) \right\} dz, \\ \mu_3(x, y) = \frac{1}{\pi} \int_0^1 \tau(\zeta) [z(1-z)]^{-1/2} [\ln(z/4) \bar{J}_{-1/2}(\sigma) - \Omega_{-1/2}(\sigma)] dz.$$

Қуйидаги теорема исботланган.

10-теорема. Агар ушбу

$$(1-x)^{1/2} a(x) + x^{1/2} b(x) + \frac{1}{2} \sqrt{\pi} x^{1/2} (1-x)^{1/2} c(x) \neq 0, \quad x \in [0, 1]; \\ \tau(x) = x^{\varepsilon_1} (1-x)^{\varepsilon_2} \tau_1(x), \quad \tau_1(x) \in C[0, 1] \cap C^2(0, 1), \\ \forall \varepsilon_1 > 0, \forall \varepsilon_2 > 0; \quad a(x), b(x), f(x) \in C^2[0, 1]$$

шартлар бажарилса, 4-масала ягона ечимга эга бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида $\alpha = -n + \alpha_0$, $\alpha_0 \in (1/2, 1)$, $n = 2, 3, \dots$ бўлганда (1) тенглама учун Коши – Гурса масаласи ўрганилган.

Коши – Гурса масаласи. D соҳада (1) тенгламанинг R_{00}^λ [R_{01}^λ] синфга тегишли ва

$$\lim_{y \rightarrow 0} (-y)^\alpha (\partial / \partial y) [u - A_\alpha^-(\tau, \lambda)] = \nu(x), \quad x \in (0, 1), \quad (23)$$

$$u(x, y)|_{AC} = \varphi_0(x), x \in [0, 1/2] \quad (u(x, y)|_{BC} = \varphi_1(x), x \in [1/2, 1]) \quad (24)$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x, y) \in C(\bar{D})$ ечими топилсин, бу ерда $A_\alpha^-(\tau, \lambda)$ - (8) кўринишдаги оператор, $\nu(x)$, $\varphi_0(x)$ ва $\varphi_1(x)$ - берилган функциялар, $\tau(x) = u(x, 0)$, R_{00}^λ (R_{01}^λ) синфнинг таърифи куйида келтирилади.

(1) тенглама учун Коши – Гурса масаласини (ва бошқа чегаравий масалаларни) ўрганишда (1) тенглама ечимларининг R_{0p}^λ синфи муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун аввало ечимларнинг R_{0p}^λ синфи киритилади ва (1) тенгламанинг R_{0p}^λ синфга қарашли ечимининг кўриниши топилади. Бу ҳолда куйидаги теореманинг тасдиғидан фойдаланилади.

11-теорема. Агар $\alpha = -n + \alpha_0$, $\alpha_0 \in (1/2, 1)$, $n = 2, 3, 4, \dots$, $\tau(x) \in C^{2n}[0, 1]$ ва $\nu(x) \in C(0, 1) \cap L[0, 1]$ бўлса, у ҳолда (9) формула билан аниқланган $u(x, y)$ функция (1) тенгламанинг регуляр ечими бўлади.

1-таъриф. Агар $u(x, y)$ функция D соҳада (9) формула билан аниқланиб, $\tau(x)$ функцияни

$$\tau(x) = \text{sign}(x - p) \int_p^x |x - t|^{-2\beta} \bar{I}_{-\beta} [\lambda(x - t)] T(t) dt \quad (25)$$

кўринишда тасвирлаш мумкин бўлса, у ҳолда $u(x, y)$ функция (1) тенгламанинг R_{0p}^λ синфга тегишли ечими дейилади, бу ерда $\nu(x)$ ва $T(x)$ - $(0, 1)$ оралиқда узлуксиз ва интегралланувчи функциялар, $p = 0$ ёки $p = 1$, $\bar{I}_\gamma(z) = \bar{J}_\gamma(iz)$.

(25) тенгликдан $\tau(x) \in C^{2n}[0, 1]$, $\tau^{(k)}(p) = 0$, $k = 0, 2n - 1$ муносабатлар келиб чиқади. Шунинг учун, агар $u(x, y) \in R_{0p}^\lambda$ бўлса, у ҳолда 11-теоремага асосан $u(x, y)$ функция (1) тенгламанинг регуляр ечими бўлади.

(25) ни (9) га қўйиб, (1) тенгламанинг R_{0p}^λ синфдаги ечимининг кўриниши, хусусан $p = 0$ бўлганда, куйидагича бўлиши кўрсатилган:

$$u_{00}(x, y) = \int_0^\xi (\eta - t)^{-\beta} (\xi - t)^{-\beta} \bar{I}_{-\beta} [\lambda \sqrt{(\eta - t)(\xi - t)}] T(t) dt + \\ + \int_\xi^\eta (\eta - t)^{-\beta} (t - \xi)^{-\beta} \bar{J}_{-\beta} [\lambda \sqrt{(\eta - t)(t - \xi)}] N(t) dt, \quad (26)$$

бу ерда $\xi = x - 2\sqrt{-y}$, $\eta = x + 2\sqrt{-y}$, $N(t) = (2\cos\pi\beta)^{-1} T(t) - 4^{2\beta-1}\gamma_2\nu(t)$.

(26) формуладан фойдаланиб қуйидаги теорема исботланган.

12-теорема. Агар $\varphi_0(s) \in C[0,1] \cap C^{(2n)}(0,1)$, $\varphi_0^{(2n-1)}(s) \in L[0,1]$, $\varphi_0^{(m)}(0) = 0$, $m = \overline{0, 2n-1}$; $\varphi_0^{(2n)}(s) = s^\delta \varphi_0^*(s)$, $\delta > -2n - 2\beta$, $\varphi_0^*(s) \in C[0,1]$; $\nu(s) \in C(0,1) \cap L[0,1]$ шартлар бажарилса, у ҳолда

$$u_{00}(x,y) = \frac{1}{2\cos\pi\beta} \int_{\xi}^{\eta} (\eta-s)^{-\beta} (s-\xi)^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) [\Phi(s) - \gamma_7\nu(s)] ds + \\ + \int_0^{\xi} (\eta-s)^{-\beta} (\xi-s)^{-\beta} \bar{J}_{-\beta}(\sigma) \Phi(s) ds$$

функция қуйидаги ҳоссаларга эга бўлади: 1) $u_{00}(x,y) \in C(\bar{D}) \cap C^2(D)$; 2) D соҳада (1) тенгламани ва (23), (24) шартларни қаноатлантиради, бу ерда $\Phi(s) = \gamma_7\nu(s) + \frac{2\cos\pi\beta}{\Gamma(1-\beta)} s^\beta A_{0s}^{1,\lambda} [D_{0s}^{1-\beta} \varphi_0(s)]$, $\gamma_7 = 2 \cdot 4^{2\beta-1} \gamma_2 \cos\pi\beta$.

2.3-§ да Коши – Гурса масаласи $\alpha \in (-1/2, 0)$ бўлган ҳолда ўрганилган.

Диссертациянинг «Параболо – гиперболик тенглама учун чегаравий масалалар» деб номланган учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, $D = D_1 \cup D_2 \cup AB$ соҳада

$$0 = \begin{cases} L_1(u) \equiv \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - \frac{\partial u}{\partial y} - \lambda^2 u, & (x,y) \in D_1, \\ L_2(u) \equiv \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + y \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \alpha \frac{\partial u}{\partial y} - \lambda^2 u, & (x,y) \in D_2 \end{cases} \quad (27)$$

тенглама учун чегаравий масалалар қўйиш ва ўрганишга бағишланган, бу ерда D_1 - $y > 0$ ярим текисликнинг $y = 0, x = 1, y = 1, x = 0$ тўғри чизиқларда ётувчи мос равишда AB, BB_0, A_0B_0, AA_0 кесмалари билан чегараланган соҳаси, D_2 эса $y < 0$ ярим текисликнинг (27) тенгламанинг мос равишда $x - 2\sqrt{-y} = 0$, $x + 2\sqrt{-y} = 1$, $y = 0$ характеристикаларида ётувчи AC , BC , AB ёйлари билан чегараланган соҳаси, $\alpha \in R$, $\lambda \in R$ ёки $i\lambda \in R$.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида (27) тенглама учун $\alpha \in (-1/2, 0)$ бўлганда қуйидаги масала ўрганилган.

T_0 масала. Ушбу ҳоссаларга эга бўлган $u(x,y)$ функция топилсин: а) $u(x,y) \in C(\bar{D})$; б) D_1 соҳада (27) тенгламанинг регуляр ечими, D_2 соҳада эса $\alpha \in (-1/2, 0)$ бўлгандаги R_{00}^λ синфга тегишли ечими; в) AB кесмада

$$\lim_{y \rightarrow -0} (-y)^\alpha \frac{\partial}{\partial y} [u - A_\alpha^-(\tau, \lambda)] = \lim_{y \rightarrow +0} \frac{\partial u}{\partial y}, \quad x \in (0,1) \quad (28)$$

улаш шартини қаноатлантиради; г) ушбу чегаравий шартларни

$$u|_{AA_0} = \varphi_0(y), u|_{BB_0} = \varphi_1(y), 0 \leq y \leq 1, \quad (29)$$

$$u|_{AC} = \psi(x), 0 \leq x \leq 1/2$$

қаноатлантиради, бу ерда $\varphi_0(y), \varphi_1(y), \psi(x)$ - берилган функциялар,

$$A_{\alpha}^{-}(\tau, \lambda) = \gamma_8 \int_0^1 \tau(\zeta) [z(1-z)]^{\beta} \bar{J}_{\beta}(\sigma) dz + \frac{8\gamma_8 y}{(1+\beta)(1+2\beta)} \times \\ \times \int_0^1 \left(\lambda^2 - \frac{d^2}{d\zeta^2} \right) \tau(\zeta) [z(1-z)]^{1+\beta} \bar{J}_{1+\beta}(\sigma) dz,$$

$$\beta = \alpha - 1/2, \gamma_8 = \Gamma(2+2\beta) / \Gamma^2(1+\beta), \zeta = x - 2\sqrt{-y}(1-2z), \sigma = 4\lambda\sqrt{-yz(1-z)}.$$

Қуйидаги теорема исботланган.

13-теорема. Агар λ - ҳақиқий сон ёки $i\pi t, t \in Z$ дан фарқли соф мавҳум сон бўлиб, берилган функциялар $\varphi_1(y), \varphi_2(y) \in C[0,1]$, $\varphi_1(0)=0$, $\varphi_2(0)=0$ ва $\psi^{(k)}(0)=0$, $k=0,1,2$, $\psi'''(s/2)=s^{\delta}\psi_0(s)$, $\delta > -2-2\beta$, $\psi_0(s) \in C[0,1]$ шартларни бажарса, у ҳолда T_0 масала ягона ечимга эга бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида $\alpha \in (-n+1/2, -n+1)$, яъни, $\alpha = -n + \alpha_0$, $n=0,1,2,\dots, \alpha_0 \in (1/2,1)$ бўлганда T_0 масала ўрганилган (у T масала деб номланган) бўлиб, бу ерда $A_{\alpha}^{-}(\tau, \lambda) - (8)$ кўринишга эга.

Қуйидаги теорема исботланган.

14-теорема. Агар λ - ҳақиқий сон ёки $i\pi t, t \in Z$ дан фарқли соф мавҳум сон бўлиб, берилган функциялар $\varphi_1(y), \varphi_2(y) \in C[0,1]$, $\varphi_1(0)=0$, $\varphi_2(0)=0$ ва $\psi^{(k)}(0)=0$, $k=0,1,2,\dots, 2n-1$, $\psi^{(2n)}(x/2) \in C[0,1]$ шартларни бажарса, у ҳолда T масала ягона ечимга эга бўлади.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида $\alpha = -n + \alpha_0$, $n=0,1,2,\dots, \alpha_0 \in (1/2,1)$ бўлганда қуйидаги нолокал масала ўрганилган.

А масала. Қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи $u(x, y)$ функция топилсин: а) $u(x, y) \in C(\bar{D})$; б) D_1 соҳада (27) тенгламанинг регуляр ечими, D_2 соҳада эса $\alpha = -n + \alpha_0$, $\alpha_0 \in (1/2,1)$, $n=2,3,\dots$ бўлгандаги R_{00}^{λ} синфга тегишли ечими; в) AB бузилиш чизиғида (28) улаш шартини қаноатлантиради; г) (29) ва ушбу

$$u(\theta_0) = \sum_{k=0}^n e_k(x) \left(\frac{d^2}{dx^2} - \lambda^2 \right)^k u(x, 0) + l(x) \frac{\partial u}{\partial y} \Big|_{y=+0} + f(x), \quad 0 < x < 1$$

чегаравий шартларни қаноатлантиради, бу ерда $\varphi_0(y), \varphi_1(y), e_k(x), l(x), f(x)$ - берилган функциялар, $\theta_0 = (x/2, -x^2/16)$, $A_{\alpha}^{-}(\tau, \lambda)$ оператор эса (8) кўринишга эга.

Қуйидаги теорема исботланган.

15-теорема. Агар λ - ҳақиқий сон ёки $i\pi t, t \in Z$ дан фарқли соф мавҳум сон бўлиб, берилган функциялар $\varphi_1(y), \varphi_2(y) \in C[0,1]$, $\varphi_1(0)=0$,

$\varphi_2(0)=0$ ва $e_k(x)$, $k=\overline{0,n}$, $l(x)$, $f(x)$, $[e_n(x)]^{-1} \in C^2[0,1]$, $f(0)=0$ шартларни бажарса, у ҳолда A масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация иши бузиладиган гиперболик ва аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун бошланғич ва чегаравий масалалар баён қилиш ҳамда ўрганишга бағишланган. Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Турли коэффицентли гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенгламалар ечимларини боғловчи формулалар топилган.
2. Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенгламаларнинг бир синфи учун умумий ечим формулалари топилган.
3. Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун тенглама коэффицентининг турли қийматларида кўриниши ўзгарган Коши масалалари баён қилинган, бу масалалар ечимларининг формулалари топилган ва масалалар ечимининг ягоналиги кўрсатилган.
4. Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун тенглама коэффицентининг турли қийматларида силжишли масалалар қўйилган ва бу масалалар бир қийматли ечилишини таъминловчи етарли шартлар топилган.
5. Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама ечимларининг махсус R_{0p}^λ синфи таърифланган, бу синф ечимларининг формулалари топилган ва хоссалари ўрганилган.
6. Бузиладиган гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун тенглама коэффицентининг турли қийматларида Коши-Гурса масаласи баён қилинган ва R_{0p}^λ синфда бу масаланинг ягона ечими мавжудлиги исботланган.
7. Параболо – гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун Трикоми масаласи қўйилган ва бу масаланинг бир қийматли ечилиши асосланган.
8. Параболо-гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун нолокал масала баён қилинган ва бу масала ечимининг мавжудлиги ҳамда ягоналиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ОКБОВЕВ АҚМАЛЖОН БАХРОМЖОНОВИЧ

**ЗАДАЧИ ДЛЯ ВЫРОЖДАЮЩИХСЯ УРАВНЕНИЙ
ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО И СМЕШАННОГО ТИПОВ
ВТОРОГО РОДА**

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико – математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В 2019.1.PhD/FM304.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб – странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Уринов Ахмаджон Кушакович

доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хасанов Анваржон

доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Апаков Юсупжон Пулатович

доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «__»_____2021 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно – ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за №___). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19).Тел.: (+99873) 244-44-94.

Автореферат диссертации разослан «__»_____2021 года.

(протокол рассылки №__от «__»_____2021 года).

Б.Т. Саматов

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., профессор

И.У. Хайдаров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф-м.н.

Ш.Т.Каримов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проводимые в мировом масштабе научно-практические исследования в большинстве случаев сводятся к задачам теории дифференциальных уравнений в частных производных. Вырождающиеся дифференциальные уравнения в частных производных применяются в качестве математических моделей задач динамики газов и жидкостей, теории бесконечно малых изгибов поверхностей вращения, теории безмоментных оболочек, компьютерной томографии, движении крови в артериях и во многих других областях науки. Поэтому решение краевых задач для вырождающихся дифференциальных уравнений гиперболического и параболо-гиперболического типов второго рода имеет важное значение.

В настоящее время в мире ведутся многочисленные научные работы по исследованию однозначной разрешимости начальных и краевых задач для вырождающихся дифференциальных уравнений в частных производных. При этом особое внимание уделяется нахождению единственного решения задач с начальными условиями, доказательству однозначной разрешимости краевых задач с локальными и нелокальными условиями для вырождающихся гиперболических уравнений, а также доказательству существования и единственности решения задачи Трикоми и краевых задач с нелокальным условием для смешанных параболо-гиперболических уравнений.

В нашей стране достигнуты значительные результаты в развитии фундаментальных направлений, связанных с теорией дифференциальных уравнений в частных производных, имеющих научные и прикладные приложения, в частности, механики, математической биологии, динамики газов и жидкостей. Следует отметить, что интерес к таким направлениям также основан на решении задач, поставленных для уравнений гиперболического и смешанного типов. Проведение научно-исследовательских работ на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям дисциплин «Дифференциальные уравнения и математическая физика, теория динамических систем и оптимальное управление» обозначены как основные задачи и направления деятельности исследователей². В этом направлении однозначное решение задачи Коши с видоизмененными начальными условиями и задачи Коши-Гурса для вырождающихся гиперболических уравнений, доказательство существования и единственности решения краевых задач для вырождающихся уравнений параболо-гиперболического типа имеют особое значение.

Проблема исследования настоящей диссертации находится в русле задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии Наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП-2909 от 20

² Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики»

апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан», ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Известно, что в зависимости от того, является ли линия параболического вырождения вырождающегося гиперболического уравнения характеристикой или нет, оно называется уравнением второго или первого рода. Задачу Коши с начальными данными на линии параболического вырождения для модельного вырождающегося гиперболического уравнения первого рода впервые решил Г.Дарбу. Этой проблемой также занимались Ф.Трикоми, С.Геллерстедт и Ф.И. Франкль. Задачу Коши для общего вырождающегося гиперболического уравнения первого рода, когда порядок вырождения $m=1$ и $m<2$, исследовали соответственно К.И.Бабенко и И.С.Березин, причем, пример, построенный И.С.Березиным, показал, что при $m>2$ задача Коши может быть некорректно поставленной. М.Проттер нашел достаточное условие, при выполнении которого задача Коши для общего линейного уравнения будет корректно поставленной. В случае некорректности задачи Коши А.В.Бицадзе предложил изучить видоизмененную задачу с весовыми начальными данными. Изучением краевых задач для вырождающихся гиперболических уравнений первого рода занимались С.Геллерстедт, М.Б.Капилевич, А.М.Нахушев, Т.Ш.Кальменов, А.М.Гордеев, К.Б.Сабитов, А.Хасанов, А.К.Уринов и др.

